

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 17 февраль, № 32 (6215) Сешанба


САЙЛОВ — 2015

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

*14 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.*

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хотамжон Абдураҳмонович Кетмонов, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Акмал Холматович Саидов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Абдуғаниевич Каримов, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Нариман Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов тадбир иштирокчиларига Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнининг бориши ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарор қабул қилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидаларини сайловчиларнинг эътиборига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” теле ва радиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, сайловолди ташвиқоти давомида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ҳар бирига “Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” республика даврий нашрларида 10 саҳифа нашр майдони бепул ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.

Сайловолди ташвиқоти материаллари ҳудудий нашрларда ҳам эълон қилинади. Сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

М. Абдусаломов сайловолди ташвиқотини мамлакатимиз қонунчилигига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинганини қайд этди.

Брифингда тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9058 та, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Участка сайлов комиссиялари фаолиятига 90 мингга яқин киши жалб қилинган бўлиб, уларнинг 67 фоизи соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаси, 22,3 фоизи эса жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларидир. Участка сайлов комиссиялари таркибида фермерлар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ҳамда иқтисодчилар ҳам бор. Комиссия аъзоларининг 84 фоизи илгари сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда қатнашган. Хотин-қизлар эса 42,8 фоизни ташкил этади.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга таaллуқли ахборотлардан фойдаланишлари учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этган миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради, давлат ва жамоат ташкилотлари сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига таалуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## ХОТАМЖОН АБДУРАҲМОНОВИЧ КЕТМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Хотамжон Абдураҳмонович Кетмонов**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуни 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган **Хотамжон Абдураҳмонович Кетмонов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 февраль

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## АКМАЛ ХОЛМАТОВИЧ САИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Акмал Холматович Саидов**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуни 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан кўрсатилган **Акмал Холматович Саидов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 февраль

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Ислом Абдуғаниевич Каримов**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуни 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Ислом Абдуғаниевич Каримов** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 февраль

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## НАРИМАН МАДЖИТОВИЧ УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзод **Нариман Маджитович Умаров**ни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуни 14, 25-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган **Нариман Маджитович Умаров** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.
2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси** **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 февраль

## 29 МАРТ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти доирасида мамлакатимиз ҳудудларида сайловчилар билан илк учрашувларини ўтказишди.

**2-саҳифага қаранг.**

ЭҲТИРОМ

*Шу кунларда мамлакатимиз барча ҳудудида улуғ аждодларимиз — Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган сана муносабати билан адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.*

## Бебаҳо маънавий хазина

Олимлар, шоир ва ёзувчилар, профессор-ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирокида ташкил этилаётган бу каби анжуманларда бобокалонларимизнинг маънавий мероси, уларнинг ибратомуз ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилаяпти. Хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрида 14 февраль куни Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишлаб “Нафосат гулшани” номли адабий-бадиий кеча ўтказилди. Таъкидланганидек, ушбу тадбир ёш авлодни улуғ бобомизнинг эзгу тушунчалар теран мушоҳада этилган бебаҳо асарларидан баҳраманд қилиш, шу орқали уларнинг тафаккур ва маънавияти, бадиий-эстетик маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур битган ўлмас асарларнинг жаҳон адабиётидаги юксак мақоми, ёшлар тарбиясидаги беқиёс аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Бобур ғазалларидан намуналар ўқилди. Шоир шеърлари билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Эътибор ва эъзознинг ёрқин ифодаси

Мамлакатимизда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида бошланган саломатлик ҳафталигида нуроний отахону онахонлар, оналар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Юртимизда аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш мақсадида тиббий кўрикларни ташкил этиш, жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий маданият даражасини янада юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

ҒАМХЎРЛИК

Кеча мамлакатимиз барча ҳудудида бошланган “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги саломатлик ҳафталиги ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Навбатдаги ижтимоий акция Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бўлиб ўтмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ҳафталик давомида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг 300 нафардан зиёд фан докторлари, профессорлари, доцентлари ҳамда малакали шифокорлари республикамизнинг барча ҳудудида бўлиб, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишади.

**(Давоми 2-бетда).**



# Хотамжон Кетмоновнинг Фарғона ва Наманган вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов Фарғона ва Наманган вилоятлари сайловчилари билан учрашди.*

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда унинг Сайловолди дастури билан таништирилди.

Сайловчилар олдида Ўзбекистон Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари М. Маҳкамов ҳамда А. Қирғизбоев сўзга чиқди.

Таъкидландики, кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб, ижтимоий сиёсат кучайтирилмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ўсиб бораяпти.

Учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов нутқ сўзлади.

Номзоднинг Сайловолди дастурида ижтимоий соҳа ривожига, иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига катта эътибор қаратилган. Аҳоли муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари таклиф этилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ислоҳотларни давом эттириш белгиланган.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий йўналишлари, жумладан, компьютер технологиялари, ахборот-коммуникация ва транспорт, электрон тижорат ҳамда бошқа интерактив хизмат турларини жадал кенгайтириш, уларни жамиятнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш мамлакатни тараққий эттиришнинг мазкур босқичида муҳим стратегик вазифалар сифатида қайд этилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб шарт-шароит ва иш ҳақига эга доимий иш ўринлари яратиш истиқболда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўлиши керак. Бунга, биринчи навбатда, юқори технологияларга асосланган енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва нефть-газ саноати, маҳаллий хом ашё ва материалларни қайта ишлаш каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари киради.

Қишлоқ жойларда оилавий корхоналар ва миллий ҳунармандчиликни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда катта салоҳият мавжуд.

Ёшлар, энг аввало, таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини изчил ҳал қилиш зарур. Коллежларга аниқ корхона ва иш берувчиларни бириктириш амалиёти, битирувчиларнинг бўлажак иш жойини аниқлашга, уларнинг амалиёт ўташи ва келгусида меҳнат қилишини таъминлашга хизмат қиладиган “корхона — коллеж” ҳамкорлигининг мунтазамлигини йўлга қўйишнинг истиқболли йўлларини топиш лозим.

Шу муносабат билан давлат органларининг ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежлар битирувчиларининг, биринчи навбатда, эгаллаган мутахассислиги бўйича бандлиги масаласини ечишга доир масъулиятли ёндашувини таъминлаш керак. Бунинг амалий бир йўналиши ногиронларнинг меҳнат фаолияти учун зарурий шарт-шароитларни изчил яратишдир.

Таъкидландики, ушбу масалада қабул қилинган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш, мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил қилиш ҳамда касаначиликни кенгайтириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов ўз маърузаси якунида тадбирлар иштирокчиларининг барча саволларига жавоб берди.

Учрашувлар давомида сайловчилар номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Номзоднинг ишончли вакиллари сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Х. Кетмоновга овоз беринг!

**ЎзХДП матбуот хизмати.**

# Акмал Саидовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

*16 февраль куни Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари сайловчилари билан учрашди.*

Тадбирларда ҳудудларнинг 500 нафарга яқин аҳолиси иштирок этди.

Йиғилганлар номзоднинг келгуси даврда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича вазифалар белгиланган Сайловолди дастури билан танишдилар. Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида тарихий ютуқларни қўлга киритди.

Президентликка номзоднинг дастурида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш ҳамда миллий манфаатларини муҳофаза этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувларда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов, шу жумладан, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб қилиш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Номзоднинг Сайловолди дастурида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниши ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, дастурда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ахборот йўналишларида ривожланиш бўйича вазифалар қўйилган, уларга эришиш йўллари белгиланган. Бунда ўзгаришларнинг бош омили миллий қадриятларимиз бўлиши лозим.

Учрашувларда қайд этилганидек, еттита устувор йўналишдан иборат Сайловолди дастурида мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик жамиятни шакллантириш, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, эркин ахборот маконини яратиш ҳамда халқаро муносабатларда республикамиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

Дастурда озиқ-овқат хавфсизлигини янада кучайтириш, уй-жой ва инфратузилма қурилишини қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган. Ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолини, биринчи галда аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентликка номзод Акмал Саидов унинг бош ва стратегик мақсади ички ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ҳамда бойитиш эканлигини қайд этди.

Учрашувларда Акмал Саидов сайловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди. Сайловчилар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сизларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовга овоз беришга чақиради.

**«Миллий тикланиш» ДП матбуот хизмати.**

# Нариман Умаров Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди

*Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нариман Умаров сайловолди ташвиқоти доирасида 16 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.*

Президентликка номзод билан учрашувларда қарийб 400 киши қатнашди. Улар маҳаллий Кенгашлар депутатлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва журналистлардир.

Н. Умаровнинг ишончли вакиллари учрашувлар иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувларда қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Пухта ўйланган иқтисодий сиёсат туфайли сўнгги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 8 фоиз даражасида барқарор ва изчил таъминлаб келинмоқда. Самарали ижтимоий сиёсат таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш имконини берди. Натижада халқимиз фаровонлиги ошиб, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора юксалиб бораяпти.

Таъкидланганидек, давлат инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари таъминланишининг ишончли кафолати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентликка номзод ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни ўзининг вазифаси, деб ҳисоблайди. Бунда ҳар кимнинг эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шароитлари, малакали тиббий хизмат ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда шу орқали аҳоли турмуши учун қулай шароитлар яратиш асосий устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурида “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун” тамойили асосида ушбу соҳаларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш кўзда тутилган. Бунда суд-ҳуқуқ соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилига риоя қилинишини, судларнинг мустақиллиги ва очиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларни давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришдаги ролини ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н. Умаров ўз Сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида фуқароларга маълум қилиб, учрашувлар иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Қатнашчилар номзод билан ўз фикр-мулоҳазалари ҳақида ўртоқлашдилар.

Тадбирларда “Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон филиали директори Н. Мирзабуратов, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси А. Ўразимбетова, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси У. Сейтжонова, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутати Н. Эшметов, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали доценти Д. Олимова Президентликка номзодни қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди. Улар Президентликка номзоднинг Сайловолди дастуридаги бирмунча муҳим жиҳатларни қайд этиб ўтишди.

Якунда Президентликка номзод Н. Умаров учрашув қатнашчиларига миннатдорлик билдирди.

Ҳурматли сайловчилар, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Нариман Умаровга овоз беринг!

**«Адолат» СДП матбуот хизмати.**

# Эътибор ва эъзознинг ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза этишнинг ўзига хос миллий модели шакллантирилди. Давлатимиз раҳбарининг “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори моҳият эътибори билан фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлаш, эл саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани замирида ҳам, аввало, ана шундай амалий ишларни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассам.

Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар туфайли бугун барча вилоятлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари, чекка туманлар шифохоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса тиббий кўрикларни самарали ўтказишда қўл келаётир. Юксак малакали шифокорлар ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаси, кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг ўзидаги илғор тиббий технологиялар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйишмоқда. Қишлоқлар аҳолиси, диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногиронлар, ёшлар ва хотин-қизларга зарур ёрдам ва тавсиялар берилаяпти.

— Мана шундай тадбирлар сабаб кўпчиликнинг узоғи яқин бўлмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош хирурги Миршавкат Акбаров. — Табиийки, мамлакатимиз пойтахтидан юқори малакали мутахассисларнинг чекка ҳудудларга бориб, каттаю кичикнинг аҳволидан хабар олиши, тиббий кўрикдан ўтказаётгани ва яратиб берилаётган қулайликлардан барча мамнун. Шу боис бу галги ҳафталик қамрови янада кенгайди. Хусусан, хирург, акушер-гинеколог, терапевт, педиатр, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, офтальмолог, оториноларинголог, уролог, ортопед-травматолог, стоматолог, дерматовенеролог каби ўнлаб мутахассислар турли ёшдаги аҳолини малакали тиббий текширувдан ўтказишади.

Шу ўринда қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратсак: 2014 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Соғлом она — соғлом бола” лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилди. Фарзандларимиз ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди.



“Она ва бола скрининги” дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишида нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилдагига нисбатан 1,8 марта камайди.

Бугун мамлакатимизда замонавий шифо масканларини бунёд этиш, уларнинг моддий-техник, илмий ва амалий базасини мустаҳкамлаш орқали аҳоли саломатлигини янада яхшилашга эришилмоқда. Биргина ўтган йил давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғуруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилганини таъкидлаш зарур. Энди асосий эътибор касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтиришга қаратилмоқда. “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ўтказилаётган саломатлик ҳафталигидан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам ана шундан иборат.

Кеча мазкур ҳафталик доирасида Тошкент вилоятининг Қибрай тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида ҳам онахонлар, отахонлар, ёш болали аёллар, хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Муассасамиз 2013 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ замон талаблари даражасида бунёд этилди, — дейди мазкур поликлиника мудири Миркомил Исаев. — Ҳозирги кунда 37 нафар мутахассисимиз икки юз мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатаяпти. Шунингдек, оилаларга мутахассисларнинг бириктирилганлиги ҳам каттаю кичикнинг саломатлигидан мунтазам хабардор бўлиб туришимизга имкон бермоқда. Ўтган йили “Саломатлик — 3” лойиҳаси асосида тиббиёт масканимиз энг илғор асбоб-ускуна ва лаборатория жиҳозлари, рентген аппарати билан таъминланди. Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлардан барча мамнун. Буни шифокорлар кўригига келаётган турли ёшдаги фуқароларнинг самимий дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.

Поликлиникага хонадонларимиз кўрки бўлган пиру бадавлат кексаларимиз, жажжи фарзандининг қўлидан тутган оналар, хотин-қизлар бирин-кетин кириб келишмоқда. Улар рўйхатдан ўтиб, шифокорлар қабулига киришга тадорик кўришаяпти.

— Саксон саккиз ёшдан ошдим, — дейди туманнинг Хўжакўрғон қишлоғида яшовчи Анвар ота Рустамов. — Шу ёшга кириб, ҳеч қачон бугунгидек фаровонликни, эъзозу эҳтиром, ғамхўрликни кўрмаганман. Илгари тиббий текширув учун бир кунимизни йўқотиб, марказга боришга тўғри келарди. Энди эса шундоққина уйимиз ёнида тиббиёт пункти бор. У ерда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Биз бундан ниҳоятда хурсандмиз. Мана шундай эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз ҳамиша омон бўлсинлар, деб дуо қиламиз.

Тумандаги Муродовлар хонадонидамиз. Шифокорлар эллик йилдан буён бирга бахтли ҳаёт кечираётган Аҳмад ота ва Ўғилой она ҳолидан хабар олиш мақсадида уларнинг уйига ташриф буюришди.

— Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат. Биз, нуронийлар доимо давлатимизнинг диққат-эътиборида, ҳурматидамиз, — дейди Аҳмад ота. — Ўғлим, келиним ишда, набираларим боғчадалигида хасталаниб қолсам, нима қиламан, деган хавотир йўқ. Негаки, кўриб турганингиздек, шифокорларнинг ўзи тез-тез хонадонимизга келиб туришади, хабар олишади. Нима ёрдам керак бўлса, маслаҳатларини, кўмакларини аяшмайди. Барака топишсин.

Кўрикларда вилоят ва туман соғлиқни сақлаш муассасаларида фаолият юритаётган ходимлар пойтахтдан ташриф буюрган фан докторлари, профессор ва доцентлар билан ёнма-ён иштирок этгани уларнинг тажриба орттириши, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиши, ўзаро фикр алмашиши учун яхши имконият яратиб бераяпти.

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги саломатлик ҳафталиги 21 февралгача қадар давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Бебаҳо маънавий хазина

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Театр фойесида буюк шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий ҳамда амалий санъат намуналари, Бобур асарлари ва бобуршуносликка оид китоблар кўргазмаси ташкиллаштирилди.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Улуғ бобокалонларимиз хотирасига бағишланган тадбирлар **Қорақалпоғистон Республикаси**да ҳам уюштирилди. Жумладан, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Алишер Навоийнинг 574 йиллиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 532 йиллиги муносабати билан “Барҳаёт сиймолар” деб номланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Тадбирда “Навоий ва Бобур — маънавий қадриятларимиз сарчашмаси”, “Навоий ва Бобур: тақдир ва ижод муштараклиги”, “Умумтаълим мактабларида Бобур ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши” мавзуларида сўз юритилди.

— Бобур етук шахс бўлган, — дейди мазкур институт профессори Каримбой Қурамбоев. — Унинг ҳаёти фақат жангу жадаллар, тинимсиз курашлардангина иборат бўлмай, балки бетакрор ҳамда ажойиб ижод намуналари билан ҳам безалган. Биргина “Бобурнома”нинг ўзи ўрта асрларга оид энг мукаммал ва нодир асар сифатида эътироф этилганлиги ҳамда дунёнинг кўплаб тилларига ўгирилганлиги фикримизга ёрқин мисолдир.

**Андижон вилояти**да ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги кенг нишонланди. Бобур номидаги музейда республикамизнинг турли ҳудудларидан, хориждан ташриф буюрган олимлар, адабиётшунослар, тарихчилар, вилоят таълим муассасалари ўқувчилари, талаба-ёшлар, шеърият шайдолари жам бўлдилар. Йиғилганларни вилоят ҳокими Ш. Абдураҳмонов қизғин табриклади. Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, академик Азизхон Қаюмов, Қоҳира университети профессори Магида Махлуф Бобур ҳаёти ва ижодининг аҳамияти, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси хусусида фикр юритдилар. Анжуманда “Бобур энциклопедияси” китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Самарқанд вилояти**даги таълим муассасаларида ўтказилган тадбирларда Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой адабий мероси ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Самарқанд шаҳридаги санъат коллежида ана шу санага бағишлаб “Назм ва наво” кечаси ташкил қилинди. Тадбирда Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театри актёрлари, коллеж ўқувчилари томонидан мумтоз шоирларнинг асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Шунингдек, кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳардаги 21-умумтаълим мактабида “Алломалар мероси комилликка етаклар” деб номланган анжуман уюштирилди.

Қарши давлат университетида бўлиб ўтган тадбирда шеърият ихлосмандлари, **Қашқадарё вилояти**даги таниқли ижодкорлар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашиб, қомусий аллома Бобур ҳаёти ҳамда ижоди хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кечада ижро этилган Бобур ғазаллари асосидаги қўшиқлар ва саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади.

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, улуғ шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишлаб **Жиззах вилояти**да ҳам турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Чунончи, Жиззах вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида ташкил этилган “Нафис чизгилар” номли кўргазма ушбу муҳим санага бағишланди. Ўқувчилар ижодига оид кўргазмада буюк бобокалонимиз ҳамда унинг асарларида ифодаланган қаҳрамонлар сиймоси, миниатюра намуналари, она-диёримиз гўшалари тасвирланган бадиий асарлар намойиш қилинди. Шунингдек, ўқувчилар ўртасида “Шарқ адабиётининг буюк даҳоси” мавзуида иншолар танлови бўлиб ўтди.

Навоийхонлик ва бобурхонлик тадбирлари республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этилди.

***«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоби ҳамда келгусидаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Ўтган йилнинг сўнгги чорагида жаҳон бўйича смартфонлар савдосидан олинган умумий фойда ҳажмининг 93 фоизи “Apple” компанияси (АҚШ) ҳиссасига тўғри келди.*

## Янги маҳсулотлар фойдаси

Манбада айтилишича, унинг бундай муваффақиятга эришишида харидорлар ҳукмига ҳавола қилинган янги русумлар — “iPhone 6” ва “iPhone 6 Plus”нинг қисқа фурсатда оммалашгани муҳим аҳамият касб этди. Фойданинг қолган етти фоизи эса “Samsung Electronics” (Жанубий Корея)га тегишли бўлди.

Шунингдек, замонавий мобиль телефонлари ишлаб чиқарувчиларнинг аксарияти мазкур даврда орттирган маблағини харажатларини қоплашга йўналтирган бўлса, айримлари, ҳатто, зарар ҳам кўрди.

## «Оскар» ҳайкалчаси йўқолди

*Париждаги актёрлар ассоциациясидан кинодраматург, режиссёр ва актёр Чарли Чаплиннинг 1929 йилда қўлга киритган биринчи “Оскар” мукофоти ўғирлаб кетилди.*



Йўқолган статуэтканинг қиймати 1 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. Жиноятчилар, шунингдек, 90 минг долларга тенг ручкалар тўпламини ҳам ўмаришган. Париж ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур иш юзасидан тергов бошлади.

Чаплин фаолияти давомида уч бор “Оскар” билан тақдирланган. Дастлабки мукофотни у “Цирк” фильмидаги ижроси учун олган бўлса, 1972 йилда кинематография санъати ривожига қўшган ҳиссаси ва 1973 йилда “Чироқлар олови” фильмига ёзган сценарийси учун олтин ҳайкалчани қўлга киритган.

## Принтердан калит чиқади

*Нью-Йоркда жойлашган “KeyMe” компанияси “3D” принтери ёрдамида йўқолган калитларни тиклашнинг муқобил йўлини жорий қилди.*




Бунинг учун аввалбошданоқ асл калитни оқ қоғоз устига қўйиб, унинг ҳар икки тарафини суратга олиб қўйиш лозим. Кейин банк рақами ва тураржой манзилини кўрсатган ҳолда “KeyMe” сервисидан рўйхатдан ўтилади. Хоҳишингизга кўра, калит сурати ўзингизда ёхуд компанияга тегишли маълумотлар базасида сақланади.

Қачондир калит йўқолиб қолгудек бўлса, унинг эгаси “KeyMe” киоскаларида бармоқ изи ёрдамида ўз шахсини тасдиқлатиб, калит дубликатини ясатишга буюртма бериши мумкин.

Ҳозир Нью-Йоркда 20 га яқин ана шундай хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. Йил охиригача уларнинг сонини 100 тага етказиш режалаштирилган.

## Ажабтовур қурилма

*Япониянинг “Hitachi High Technologies” компанияси инсоннинг бахтлилик даражасини аниқлаб берувчи қурилма яратди.*



“Japan Times” нашрининг ёзишича, ушбу ажабтовур технология, асосан, меҳнат жамоалари раҳбарлари учун мўлжалланган. Ҳажми кредит картасидек келадиган инновацион қурилма махсус сенсор билан жиҳозланган. У одамларнинг нима билан бандлигини, уларнинг кайфияти қандайлиги ҳақидаги маълумотларни қайд этиб боради, ўзаро суҳбатларни ёзиб олади. Шунингдек, ходимларнинг ишидан қанчалик қониқиш ҳосил қилаётганини ҳам баҳолаб беради. “Hitachi High Technologies” вакилининг сўзларига кўра, мазкур кашфиёт иш унумдорлигини оширишда жуда асқатади.

Ноёб қурилма апрель ойида Японияда сотувга чиқарилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Моддий-техника таъминоти бошқармаси**

**танлов эълон қилади.**

Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

**Танлов предмети:**
- аркали қўзғалмас ва олиб юриладиган (мобиль) металлодетекторлар;
- мультимедиа видеопроекторлари (экрани билан), видеорегистраторлар ва IP-камералар;
- олиб юриладиган компьютер (ноутбук), нусха кўчирувчи ва факс аппаратлари;
- рақамли видеокамералар, фотоаппаратлар ва диктофонлар;
- микроскоплар (бинокуляр, чўнтак) ва оптик ускуналар;
- қўриқлаш воситалари — «Параллель» типидаги ҳаракатни аниқлаш қурилмалари;
- тармоқли телефон аппаратлари ва рақамли АТС учун кенгайтириш (расширительный) платалари.

**Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2015 йил 16 мартга қадар.**

**Танлов шартлари бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (+99871) 252-30-36, 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73, 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz**

223А/137

*Ҳурматли ёшлар ва азиз ота-оналар!*

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ**

**2015/2016 ўқув йилида абитуриентларни олий таълим муассасаларига кириш тест синовларига ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз тили, математика, физика, биология ва кимё фанларидан чуқурлаштирилган тайёрлов курсларида ўқишга**

***таклиф этади!***

**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида, жадвал асосида куннинг иккинчи ярмида, соат 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади.**

**Дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари умумий ўрта ва ўрта махсус таълим дастури асосида олиб борадилар.**

**Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланади.**

*Тўлов нақд, пластик карточка ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (0-371) 255-55-77.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино, 2-01-хона, тайёрлов бўлими маъмурияти.**

129А/71

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАН 13 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

*I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 30 декабрдаги 47/9-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-4 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 31 январдаги 2/5-сонли «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1850-1 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг 2015 йил 2 февралдаги 4, 4-ққ, 4-қ/қ, 88, 7, 1-қ-сонли «Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 7-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2039-1 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2654 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 9 февралдаги 45-мҳ-сонли «Давлат нотариал идораларида нотариал иш юритиш қоидаларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2170-2 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 30 декабрдаги 47/10-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-9 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 22 январдаги 8-сонли «Магистраль нефть маҳсулотлари қувурлари қуришда ишлар хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2655 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 31 январдаги 2/6-сонли «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1470-1 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 6 февралдаги 310-В-3, 2015-6-сонли «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 11 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1986-3 (2015 йил 16 февралдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 2 февралдаги 89, 4, 2015/19-3, 01-02/8-01-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-2 (2015 йил 20 майдан кучга киради).**

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 20-1302/10561-сонли ижро варақасига асосан, «Бахмал» МЧЖдан хатланган, Навоий шаҳри, Спутник қўрғонида жойлашган, фойдаланиш майдони 11765,46 кв.м. бўлган иссиқхона такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 900 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 6 март куни соат 11.00 да Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биносида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 4 март куни соат 18.00.

**II.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2014 йил 3 январдаги 1-4237/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

**1.** Навоий шаҳри, Спутник қўрғонида жойлашган, умумий майдони 736,83 кв.м., фойдаланиш майдони 592,32 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.***

**2.** Навоий шаҳри, 17-микрорайонда жойлашган, умумий майдони 1390,88 кв.м., фойдаланиш майдони 1308,72 кв.м. бўлган супермаркет биносининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 587 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 20 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 18 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (0-436) 224-44-01. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

234R/02

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Фарғона вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ўзбекистон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 30 сентябрдаги 15-13-05/15533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Ибн Сино кўчасида жойлашган ошхона ва чойхона бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 226 979 138 сўм.***

Аукцион савдосига Ўзбекистон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 30 сентябрдаги 15-13-05/15533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Ибн Сино кўчасида жойлашган клуб бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 799 463 116 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 9 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 6 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй. Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

233R/02

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ғиждувон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг ижро варақасига асосан хатланган, Ғиждувон тумани, Зафаробод қўрғонида жойлашган, ер майдони 1402,0 кв.м.дан иборат маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 423 969 303 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 5 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 3 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, 4-қават. Телефон: (0-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

229А/2

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

- Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор туманида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 127 245 000 сўм.***

- Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри, 4-микрорайон, Занжирсарой шоҳкўчасида жойлашган, ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 101 463 300 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 6 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 4 март куни соат 18.00.

- Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 29 сентябрдаги 18-1405/20688-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ибрат Сифат Текстиль» ХКга тегишли, Қарши шаҳри, «Қарши — Қамаши» йўлида жойлашган, ер майдони 2787,09 кв.м., қурилиш майдони 373,75 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган офис ва ишлаб чиқариш базаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 20 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 18 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

232R/02

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2014 йил 20 июндаги 23-1402/3848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Кизил уй» ОФЙда жойлашган, ер майдони 5,2 гектар бўлган 2 қаватли колбаса ишлаб чиқариш цехи биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 652 465 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 20 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 18 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиалининг АТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

228А/2

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Тошкент минтақавий филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 24 ноябрдаги 11-1407/11043-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Гўзал Мебель Инвест» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Металлурглар кўчасида жойлашган, ер майдони 1003 кв.м. бўлган дўкон биноси ва бостирма такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 2 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

227А/2



ҒАЛЛАОРОЛ туманида кичик саноат ҳудуди барпо этиш учун 5,2 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерда фаолият юритиш истагини билдирган тадбиркорлар ўртасида танлов ўтказилди.

## ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА



*Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорида устозни бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум қилган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ҳамда ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилган.*



# ЭЗГУЛИК, МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ САБОҒИ

1995 йилда Юртбошимиз шоиранинг 80 ёши муборакбод этилган табрикномада ҳам: "Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз... Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолидан ноёб нишонадир. ...Латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

...Ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади. Сиз Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъдодлар баҳраманд бўлдилар", деган юксак эҳтиром мужассам бўлганди.

Тақдир менга Зулфияхоним билан "Саодат" журналида узоқ йиллар ишлашни, ҳаёт ва ижодда бизга кўзгу бўлган фазилатларидан ибрат олмоқни, мухтасар айтганда, Зулфияхоним қалб зиёси, меҳри, ғамхўрликларидан баҳрамандликни насиб этди. Бу бағрикенг шахсга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, эҳтиромларга муносибликнинг тасдиғи сифатида ёрқин хотиралар кўз олдимдан ўтаверади...

"Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман!" деб ифтихор этган шоиранинг ижоди, фаолияти, ўзи яшаган аср тарихининг барча оғир ва мураккаб синовларини юксак инсоний фазилатларга садоқат билан мардона енгиб ўтган умр йўли ибратлидир.

— Мен яхши оилада ўсдим, — деб айтгандилар Зулфия опа. — Ота-онамнинг беш ўғил, икки қизи бор эди. Лекин жуда тез камайиб кетдик. Мен отам билан онамни энг бахтиёр онларда эмас, ўша — оиламиз аъзолари камайиб бораётганда англаб, қадрлайдиган бўлдим. Бу йўқотишлар 1925-26 йиллардан бошланди. Бир акам Москвага ўқишга бориб, оғир касал бўлиб қайтди, ҳеч қанча вақт ўтмай вафот этди. Бувиниса опам тўйи арафасида бехос ҳаётдан кўз юмди. Яна бир акам фожиали тасодиф туфайли... Нормат акам эса 1937 йили "халқ душмани" деб ҳибсга олинди ва қатағон қурбони бўлди. Кетма-кет келган бу оғир синовларда ота-онам ўзларини йўқотмадилар. Ҳеч қачон ҳеч кимни қарғамадилар, қолганларнинг шукрини қилиб: "Худо берганини берди, Ўзи берганини Ўзи олди. Биз бандаларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди", деб қаноат қилардилар.

Қайғунинг ичида қолган онажоним кечалари бизга китоб ўқиб берардилар, шу билан бир оз юпанч топгандек бўлардилар. Лекин тонг отганда ўзларини қўярга жой тополмай қолардилар. Ҳамон онамни соғинавераман, англадимки, энг яхши туйғуларнинг ҳаммаси онамнинг юракларида жам бўлган экан...

Зулфияхоним ана шундай ота-она таълим-тарбиясидан ўзбекона фазилатларни қалбига, руҳиятига сингдирди. Шоиранинг ёш бошига кутилмаганда тушган оғир айрилиқ кунларининг гувоҳларидан бўлган Ўзбекистон халқ шоири Миртемир шундай ёзганди:

"Ўсал бир тасодиф қурбони бўлиб, унинг умр йўлдоши ва мураббийси, дўсти ва суюклиси Ҳамид Олимжон оламдан ўтди. Оловли ишқ, одамийлик, сидқидил дўстлик ва тошқин меҳр ўз авж пардаларида узилиб қолиши фожиа устига фожиа бўлган эди-да...

...Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди менинг назаримда. Ҳануз ёнмоқда... Ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо — Зулфияхоним шеъриятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди.

Икки ирмоқдан бир жилға оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда. Ўша жилға, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш хаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда.

Ҳар бир шоирнинг ҳам ишонган кишиси шундоқ бўлса, қани эди!.."

Устоз шоира арбоб сифатида кўплаб хорижий мамлакатларда бўлдилар. Ҳамма жойда халқимизнинг тарихи, маданияти, маънавияти, ишлари, қадриятлари билан фахрланиб, уларни тарғиб этди.

Зулфияхоним табиати баҳор осмони каби тиниқ, у кибр, манманликни ўзига муносиб кўрмасди. Каттаю кичик давраларда шахсий ютуқларидан сўз очганини билмаймиз, аммо халқимизни, адабиётимизни, маданиятимизни ўз даражасига муносиб қилиб доим шарафлар эди.

"Хотирам синиқлари" достони шоира умрининг сўнгги йилларидан ўктам бир садо бўлди. "Ёш кетиб-кетиб тордай таранглашиб, капалак шарпаси тегса узилар ҳолатга келган, қалб чидай-чидай юпқа тортган парангдай нафису нозик тортган" умр шомида бундай асар ёзмоқ адабиётимиз, халқимизга яна бир туҳфа бўлди.

*Ҳуррият, келдинг-ей, ал-омон келдинг,*
*Сени қалбим, кўзим, сўзларим қучар.*
*Вақт етса, шу халқда қолар дафтарим,*
*Вақт етса, бу ёқда қолар дардларим...*
*Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар...*

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли Зулфияхонимнинг дардлари ўтган асрда, шеърлари ва ёрқин хотираси халқимиз маънавияти, маданиятимиз ганжинасида қолди. Истиқлол офтоби яшариш, янгиланиш саодатини бахш этган ҳаётимиз баҳорлари Зулфияхонимни сўроқлаб, у ҳақда янги-янги авлодларга ҳикоя қилаверади.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**


*Ҳурматли юртдошлар!*

## «АСАКА» банки

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан**

**миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

## «ҚАДРИЯТ»

***Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.***

**Шу билан бирга, «Асака» банки қулай шартларда миллий ва хорижий валютада 90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади.**

*Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.*

«АСАКА» БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

www.asakabank.com

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар филиали | (0-371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (0-371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (0-371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (0-371) | 221-80-67 |
| 5. | Сергели филиали | (0-371) | 257-44-10 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (0-371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (0-374) | 223-60-74 |
| 8. | Асака филиали | (0-374) | 233-21-99 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (0-374) | 226-96-63 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (0-373) | 244-39-14 |
| 11. | Марғилон филиали | (0-373) | 237-62-23 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (0-373) | 432-19-80 |
| 13. | Қўқон филиали | (0-373) | 542-61-01 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (0-369) | 225-44-03 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (0-436) | 770-21-29 |
| 16. | Зарафшон филиали | (0-436) | 572-40-14 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (0-365) | 770-05-19 |
| 18. | Бухоро шаҳар филиали | (0-365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (0-366) | 233-65-47 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (0-366) | 221-75-40 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (0-375) | 221-07-41 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (0-376) | 224-00-16 |
| 23. | Қорақалпоғистон Республикаси филиали | (0-361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (0-362) | 228-14-81 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (0-367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (0-372) | 226-43-11 |

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

Хизматлар лицензияланган.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

194R/32



**«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси**

**махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.**

**«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси**

**махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.**

DOOSAN





www.doosaninfracore.uz

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

**Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Чинобод к., 87-уй.**

**Савдо бўлими**
Тел.: (+99871) 200-00-27/28.
(+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

**Сервис хизмати**
Тел.: (+99871) 200-00-26,
(+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com

115R/69



*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни харид қилиш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:**

- ПН-40 типидаги ёки шунга ўхшаш мўътадил (нормал) босимли ўт ўчиргичларнинг марказдан қочирадиган (центробежный) насослари;
- автомобиллар шиналари: 145/70R12, 155/70R12, 165/70R12 (Tico), 165/65R13, 175/70R13, 155R12c, 185/65R14, 255/55R18, 185/70R14, 205/65R15, 205/70R14, 215/75R16, 225/75R16c, 8.40x15 (215/90-15c), 245/45R18, 7,5R16c, 8.5R17.5, 320/457 (12.00R18), 320/508 12.00R20 модель М-93, 320x508 12.00R20, 315/80R22,5, 330-965 (13,6/12-38) R-166 ТТЗ-100, 260/95-16 (900/16) R-324А ТТЗ-100;
- ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва тарқатиш учун қуйидаги ҳажмлар: КАЗС V-5.0 м.куб, КАЗС V-10.0 м.куб, КАЗС V-20.0 м.куб.

**Ҳар бир КАЗС тўпламига қуйидагилар киради:**

- ҳажм;
- ТРК (бензоколонка);
- рулетка ёки метршток;
- ареометр;
- 2 нусхада калибровка жадвали;
- чангак (багор);
- белкурак;
- челак;
- кигиз (кошма);
- ўт ўчиргич;
- икки бармоқли қўлқоплар.

***Танлов таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни.***

**Танлов савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади:**
**100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**
**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:**
**(0-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-75-11, 281-43-76.**

106А/61



**Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси**

**ҳарбий кийим-кечакларни тикиш учун мўлжалланган фабрикани масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил қилишда иш тажрибасига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни танловда қатнашишга таклиф этади.**
**Фабрикани замонавий тикув дастгоҳлари ва ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган.**

**Тузиладиган жамиятнинг 51 фоиз улуши қўмитага тегишли бўлади.**

**Маълумот олиш учун (0-371) 241-73-98 телефони орқали мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, қатнашиш истагида бўлганлар ўз таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (0-371) 244-31-39. E-mail: dlyadogovorov@mail.ru**

197А/129



**«FPI DELIVERY SERVISE» МЧЖ**

**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ва камхаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.**

***Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисида ишлайди.***



Маҳсулот сертификатланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўч., 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).**
**Маълумот учун тел.: (+99894) 160-27-24, (+99890) 920-29-74, (+99894) 613-79-18, (0-371) 234-42-17.**

**WWW.SEMENA.UZ**

59R/1028


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси масъул ходим Қудрат Баходирович Нуруллаевга отаси **Баходир НУРУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази" АЖ жамоаси марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Воҳид Розуқуловга падари бузруквори **УБАЙДУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**WWW.XS.UZ** ТОШЛОҚ туманида "Камолот" уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 55 хонадондан иборат ушбу тураржой биносини бунёд этиш учун 3 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 150 629 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.**
**Навбатчи — Д. Содиқов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 01.30** 1 2 3 4 5